

21 апрел куни Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Р.Отумбоевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи бошланди. Ташрифдан мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бутунги аҳоли ва истиқболларини муҳокама этишидир. Ташрифнинг биринчи куни Р.Отумбоева Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев билан учрашди. Қирғизистон Республикаси ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг ташрифи дастуридан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев билан учрашув ҳам жой олган.

(ЎзА)

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 22 апрел, жума № 65 (1906)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

21 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2005 йил биринчи чорагида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ахбороти ҳамда иқтисодий-ишлов қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича устувор вазифаларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов шу йил 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда 7 февралда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамаси аянги тарқиб иштирокида ўтказилган кенгашида сузлаган нутқда ҳукуматнинг жорий йил ва келгуси даврдаги асосий вазифаларини белгилаб берган эди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, авваламбор, иккита муҳим талабга жавоб бериш даркор:

Биринчиси - ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўзининг муносибати тубдан ўзгартириш, масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш зарур;

Иккинчиси - ўзига катта ишонч, катта вазифа юклатилган ҳар қайси раҳбар ана шу ишонч, ана шу вазифага муносиб бўлиш учун зарур билим ва тажрибага, юқори малакага эга бўлиши шарт. Чунки ўз соҳасида компетентли бўлишни бугун ҳаёт ва замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Вазирлар, ҳокимлар, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ушбу талабларга қай даражада жавоб бера олди, ўз имтиёзига вазифаларини нечоғли бажарди?

Бўлиб ўтган мажлисда ана шу масалалар кенг ва танқидий руҳда таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислохотларни чуқурлаштиришга доир устувор йўналишларни амалга ошириш натижасида мамлакат иқтисодиёти изчил суръатда ривожлангани қайд этилди.

Иқтисодий ўсиш 4,8 фоизни, шу жумладан sanoatda - 8,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида - 6,6 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда - 16,4 фоизни, хизматлар кўрсатишда - 14,2 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси 2,2 фоиздан ошмади ва прогноз параметрлари доирасида бўлди.

Ташқи савдо айланмасининг ўсиши 110 фоизни, ташқи савдо айланмасининг иқтисодий сальдоси - 362,5 миллион АҚШ долларини

гарлигини ошириш талаб этилади. Мазкур масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сўх хўжалиги вазири Ф.Эрманов ва Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари А.Муродовнинг ахбороти тингланди.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш истиқболларини таъминлаш бўйича устувор йўналишлар қаторида мажлисда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси: банк тизимлари, машина-трактор парклари, «Ўзқишлоқхўжалиқим» ва лизинг компаниялари тизимлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

«Пахтабанк» бошқаруви раиси А.Боймуродов ва «Галлан» бошқаруви раиси И.Уриновнинг ҳисоботида тузилган кредит битимлари қишлоқ ва сўх хўжалиги шартномаси мажбуриятлари бажариш юзасидан банк тизимлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий жавобгарлигини қучайтириш тўғрисида сўз борди.

Ислохотларнинг натижасида босқинчидаги муҳим вазифалардан яна бири қишлоқ хўжалигига аванс беришнинг транс тизимидан воз кечиш, уни самарали ишлайдиган, фермерларга банк томонидан кредит бериш тизими билан алмаштиришдан иборатдир.

Мажлисда «Ўзросурсурта» компанияси фаолияти кескин танқид қилинди. Жумладан, компания раиси П.Қозиевга суғурта шартномалари тузиш ишларининг қонирқисиз эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борадаги ишлар асосан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришга йўналтирилган маблағларни қайтаришдаги тавakkалчиликни суғурта талаш билан чеклаб қолмоқда. Икки ой муддатда компания фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, компания раисининг эгаллаб турган лавозимига нечоғли муносиблиги юзасидан тақлифлар киритиш топширилди.

Мажлисда, шунингдек, Сирдарё ва Наманган вилоятлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари - О.Ашурматов ва Ф.Барноевнинг чигит экиш ишларини ўз вақтида тугаллаш, бошоқли дон экинларини парвартириш қилиш ва уларнинг ҳосилини вақтида ўриб-йиғиб олиш бораида амалга оширилмаган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Таъкидландики, бошоқли дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва галла тайёрлаш ишларига ўз вақтида хозирлик қилиш, жойларда комбайнлар ва транспорт воситалари таъмирини

яқунига етказиш яқин кунлардаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Мажлис кун тартибига қўйилган кейинги масалалар ҳам ўта долзарб соҳаларни, жумладан уй-жой-коммунал соҳасини ислоҳ қилиш масалаларини ўз ичига олди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Тўхтаев ахборотида давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ўтган куз-қиш даврида иқтисодиёт тармоқларининг бир маромда ишлашини таъминлашда йўл қўйилган узилишлар юзасидан жавобгар эканлиги ҳамда келгуси мавсумда бундай ҳолларнинг олдини олиш зарурлиги тўғрисида гап борди.

Ушбу масала муҳокамаида умумтаълим мактабларида, поликника ва шифоналарда янги куз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик қилишга эътибор қаратилди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг янада такомиллашган тизимини яратиш, соҳада малакали ва билимли мутахассис кадрларни тайёрлаш, қўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш бўйича истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш - бу масалалар Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган қарорларида аниқ белгилаб берилган.

Ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатидаги аҳолини, нархларни шакллантириш бўйича ҳисоб-китобларни ўрганиш, коммунал хизматлар учун тарифларнинг асосан равишида ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қатъий мониторинг олиб бериш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ҳал қилишнинг оқилона ечимларини топиш - бу каби масалаларнинг ўта долзарблигига Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда халқ истеъмоли товарларининг қўллаб турлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Лекин, афсуски, барча туманлар ва шаҳарларда ҳам бундай маҳаллий товарларни учратиш қийин. Бу қишлоқ жойлардаги савдо соҳасининг аҳолини тубдан ўзгартириши талаб этади. Кўнгина ҳудудларда илгари хусусийлаштирилган чакана савдо корхоналарининг аксарияти турли сабабларга қўра фаолият кўрсатмапти. Саноат, улгурчи савдо корхоналари ва қишлоқ дўконлари ўртасида самарали бозор муносибатлари шакллантирилмаган.

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекбирлашув» компанияси, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари

ҳокимликларининг бу йўналишдаги ишларини қонирқисиз деб топди.

Мажлисда сўзга чиққанлар пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини бартараф этиш ва нақд пул тушумини қўпайтириш юзасидан солиқ ва прокуратура органлари, банк муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги яқин йўлга қўйилмаганини қайд этдилар.

Кун тартибидеги охириги масала касб-хўнар коллежлари фаолиятидаги жиддий камчиликларнинг танқидий таҳлиliga бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўз ахборотида жойларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг бажарилишига нималар тўсиқ бўлаётгани тўғрисида тўхтади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ замонавий касб-хўнар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари қурилиши ва уларни хизмат қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ўқув муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, уларни балансга қабул қилиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Бюджетдан ажратилган маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилишида, коллежлар директорлари лавозимига кадрларни танлашда ва уларнинг тўлақонли фаолиятини яратиш тизимини таъминлашда кўплаб хатоликларга йўл қўйилган. Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳокимлиги раҳбариятининг (К.Тўлағанов, А.Йўлдошев) фаолияти кескин танқид қилинди.

Ўқувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор тизимини яратиш, янги авлод мураббитларини шакллантириш давр талабидир.

Коллежлар ўқувчиларини касб йўналиши бўйича иқтисодиёт тармоқларининг муайян корхоналарига бириктириб қўйиш эса ёш мутахассисларни эгаллаган иқтисодчилар бўйича ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишда кўл келади.

Бу борада сўзга чиққан Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Ш.Иброҳимов, Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари П.Тангриёв, «Давархитектур» қўмитаси раиси А.Тўхтаев, ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази директори ўринбосари Қ.Каримов, халқ таълими вазири Т.Жўраевдан қўйилган вазифалар бўйича аниқ ечимлар топши талаб қилинди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

19-21 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг тасдиқлади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан номзоди тақдим этилган С.Рашидовани Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) этиб сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тарқибига ўзгартирилган қиритди. М.Абдураҳмонов, Г.Русанов, К.Тоғоев, И.Турсунбоев Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайландилар. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Х.Буроев, Б.Мустафоев ва Б.Тўшевнинг ваколатлари берган аризаларига мувофиқ тугатилди.

Қонун ҳужжатларида юридик атамаларнинг тўғри ишлатилишини таъминлаш мақсадида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг тасдиқлади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг номзоди тақдим этилган С.Рашидовани Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) этиб сайлади.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Қўмиталар раисларининг маърузалари, савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар муҳокама қилингандан кейин депутатлар Қонунчилик палата-

сининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури лойиҳаси тақлифларни қўшимча равишда ўрганиб чиқиш, уни мароғига етказиш ва кейинчалик палатанинг тасдиқлаш қиритиш учун асос сифатида қабул қилинди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси А.Саидов «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар ҳуқмига ҳавола этди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов ахборот берди. Мазкур ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎзА)



«Бо-зариф» фермер хўжалигига қарашли Косон туманидаги кичик сочқ ишлаб чиқариш корхонасининг фаолият кўрсатаётганига кўп бўлмаса-да, вилоятда танқидий қорхоналардан бирига айланди.

Суратда: тўқувчи Софья Назарова. Шавкат СУЛТОН олган сурат

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

Республикамизда фаолият кўрсатаётган Бошқир маданият маркази очилганига 15 йил бўлди. Ўзбек-Бошқир маданий алоқаларини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатаётган бу марказ танқидий шарқшунос ва турколог олим Аҳмад Заки Валидиди номи билан аталмоқда.

Бошқир халқини содиқ фарзанди ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда яшаб, ўз илмий фаолиятини давом эттирган эди. Унинг республикамизда қечган қонларига оид қатор мақолалар матбуотда чоп этилди. Бу ҳақда алоҳида ҳужжатли фильм яратилди.

Бошқирдистондан келган телевизион ижодий гуруҳ томонидан экранлаштирилган бу картинада Бошқир олимнинг кўп қиррали илмий фаолияти ҳам ўз аксини топди. Тошкентдаги Бошқир миллий маданият маркази саъй-ҳаракати билан яна қатор фильмлари суратга олиш кўзда тутилди.

ДЕҲҚОННИНГ БЕМИННАТ МАДАДКОРИ

Учқўприк туманидаги «Сарқўргон» фермер хўжалиги ривожига акционерлик тижорат «Пахтабанк» Учқўприк филиалининг амалий ёрдами катта бўлди. Асосан янги очилган қўриқ ёрларда деҳқончилик қилаётган фермер хўжалиги ўтган йилнинг ўзида 23 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олди.

Фермер хўжалиги бошлиғи Раҳмонберди Каримовнинг айтишича, пахта етиштирувчи ширкат ва фермер хўжалиқларига берилган имтиёзли кредитлар иш қўлими ривожига амалий ёрдам бўлмоқда. Ажратилган имтиёзли кредитлар фермерларга уруғ, ёқилги, минерал ўғит ва бошқа керакли нарзаларни сотиб олишда кўл келмоқда.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Конимех туман моҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббус билан бу ерда чўпонларнинг анъанавий уйлари - ўтов ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

КЎРКИ ЎЗГАЧА

Чунки чорвадорларнинг олис яйловларга қишин-ёзин қўчиб-қўчишлари учун қўлай бўлган бундай ўтовларга эҳтиёж катта. Илгари ўтовлар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қўшни Туркمانистон ва Қозғоғистондан олиб келинарди. Шу ернинг ўзида маҳаллий хомашёдан ўтов тайёрлашга киришилгани туман иқтисодиётига ҳам катта фойда келтирадиган бўлди.

Ўтов ичинини бешани йўлга қўйиш ҳам режалаштириб турибми, - дейди туман моҳнат бўлими бошлиғи Жиенмурод Қорабоев. - Шу боис касб маҳоратини ошириш мақсадида ўн нафар йигит-қизни Қорақалпоғистонга жўнатдик. Ўтов тайёрлашни янада қўпайтириш ниятидами. Хозирдан қўшни Томди ва Учқўдук тумани чорвадорлари буюртма бериши.

(ЎзА)

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда ҳалол иш юратиб турган тadbиркорларнинг бекиёб ҳиссаси бор. Зеро, ҳукуматимиз тadbиркорларнинг эркин иқтисодий фаолият юритишларига кенг имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тadbиркорликни ривожлантириш ва уларга молиявий ёрдам беришда муҳим ҳужжатдир. Бунга асосан банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига ишбилармонлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини барқарорлаштириб олмақдалар.

Беш бармоқ баробар эмас, деганларидек, афсуски, тadbиркорликда фақат ўз манфаатини устун қўйдиганлар ҳам учраб тураркан. Бундайлар аввал ўзларини жуда гайратли, инсофли, диванатли қўрсатишди. Ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беришга келганда эса минг битта бахона тўқийди. Бундай ҳоллар содир бўлаётганига эса улар билан ҳамкорлик қилаётганларнинг бе-парволиги, масъулиятсизлиги, ҳатто манфаатдорлиги ҳам сабабдир. Пахтачи туманида фуқара Д.Жўраев хусусий кор-

га мўлжалланганлиги қайд этилади. Ҳужжатларда нуқсон йўқ эди. Шу сабабли банк томонидан кредит ажратилди. Маблағни «қўлга киритган» Д.Жўраев пулниги ярмини Навоий шаҳридаги «Шамс» ишлаб чиқариш фирмасига, қолган қисmini Ромитан туманидаги «Маъруф-улфат» хусусий фирмасига қурилиш материаллари сотиб олиш учун ўтқа-

зиб юборди. Аммо орадан анча вақт ўтса-да, хомашёдан дарак бўлмади. «Мирза бобо» фермер хўжалигида молхона қурилиши бошланмайдиган. Шунга қарамай, Каттакўрган бўлими Зиёвуддин мени банки бошқарувчиси А.Бобқўлов кредит мақсадида ишлатиётган деб ҳужжатлаштиради. Олти ойдан кейин ўтказилган тек-

СОХТАКОРНИНГ ТЕТИРМОНИГА сўв қуяётган кимлар?

дурустгина наф қурарди. Бошқа бир сохтакорликнинг тафсилотларини эшитсангиз ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаролар Б.Азизов, А.А.Т.О.Х.В.Л.Р.Н.И.Г. «уддабурон»лиги унча-мунча одамнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган. Улар ўзларининг номига ва аслида йўқ кишилар

«Ишонч» шош этади

номига 14 та сохта фирма очилган. Масалан, «Интермонд» фирмасини очишда Б.Азизов қўшини А.Хусановнинг паспортдан фойдаланган. Сўнгра ҳақиқатда бўлмаган фуқаро А.Басевнинг ушбу фирмага директор этиб жойлаштирилган. Барча ҳужжатлар нотариуснинг қалбига мўҳрлари билан тасдиқланган. «Миллий банк»нинг Қизилтепа туман бўлимидаги ҳисоб рақами орқали Б.Азизов 168 миллион сўм маблағни соликдан яшириб, нақдлаштириб олган. Бу сир очилиб, текшириш чоғида Б.Азизовнинг уйдан «Самарқанд файз», «Oqosh Plus», «Френо-Сам», «Нафис тонг», «Золотой континент», «Афродита-люкс», «Пионер люкс», «FLY WITH US» фирмаларининг муҳрлари, бланкалари ва бошқа ҳужжатлари топилган. Б.Азизов ва Фаттохлар ноқонуний товар пул айланишларини «Миллий банк», «Тadbиркорбанк»,

Инсон меҳнати билан умрини, юртини, хонадонини обод қилади, фойзига фойз қўшади. Ражаббой ота иккинчи жаҳон урушидан қайтган умрининг 60 йиллини ана шундай эзгу ишларга, хайрли ташаббусларга сарфлади.

Халол меҳнати билан элга танилган Ражаббой ота бир кучок ўғил-қизларни меҳнатсевар қилиб тарбиялади, уларга ер билан тиллашгани, ерни ардоқлашни ўргатди. Натига ёмон бўлмади. Навоийда меҳнатқаш кишилар ҳақида сўз борса, энг аввало Ражаббой Эргашевнинг номи, оиласи, унинг хайрли ишлари тилга олинади. У киши дипломсиз агроном, мана-ман деган мироблар билан

РАЖАББОЙ ОТА ТАШАББУСИ

беллашадиган ирригатор десак янглишмаймиз. Чунки Ражаббой ота қанчадан қанча майдонларни тўздорларга, анорзрор узумзорларга айлантирган қўлигул борбон. Шу билан бирга 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида асаларичиликни ри-

Шукрона

вожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келади. Сак-

гулари ҳақида содда, аммо самимий сўзларини айтиб кўнгилни бўшатади.

Айни кунларда отахон тўлқинланиб, юраги қувончларга тўлиб юрибди. Сабаби, Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонлини муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларни муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони кўнгилни кўтарди. Ана шулар сафида борлигидан қалби ифтихорга тўлди.

"Туркистон-пресс"

Қарор ва ижро

«Она ва болага дўстона муносабат», «Она сутининг мўжизаси» каби дастурларга мувофиқ 416 минг 914 нафар туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлиги алоҳида назоратга олинган. ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти кўмағида хотин-қизларда учрайдиган камқонликнинг олдини олиш, болаларда темир ва йод моддаси, етишмаслигини бартараф этиш учун зарур дори-дармонлар келти-

ташкilotи врачлари кўмағида Мўйноқ, Қўнғирот, Чимбой туманларидаги беморларга тиббий ёрдам уюштирилди.

Келгусида овулларда янгидан 13 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилиб, 12 таси қайта ихтисослаштирилади. Республика болалар клиник шифохонаси, онкологик диспансери, шошилич тиббий ёрдам маркази ва «Саломатлик» институтининг Нукус филиали қайтадан таъмирланади. Нукус, Қонлиқўл, Хўжайли, Чимбой, Тахтақўпир, Эликқалъа, Амударё, Беруний, Мўйноқ туманлари марказий шифохоналари, Нукус шаҳридаги 8-поликлиника, Тахиятош, Қораўзақ ва Кегайлидаги шошилич тиббий ёрдам бўлимлари таъмирдан чиқарилади. 13 та янги санитар машиналари сотиб олинади.

Инсон кадр-қиммати ни улуғлаш, хасталанган кишиларнинг дарди-га дармон бўлиш, меҳр кўрсатиш ҳар бир тиббиёт ходимининг ватанпарварлик бурчи. Тахрибали ақушер-гинеколог, Ўзбекистон Қаҳрамони Онисия Сейитова, аллерголог врач Фарғат Менглимуратов, Беруний туман марказий шифохонаси жарроҳи Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси депутати, тиббиёт фанлари номзоди Борзорбой Ҳўрозалиев, кўли энгил педиатор Виталий Ким, теропевт врач Клара Ҳўрозалиева, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Ҳўрозул Нисомитдинова каби юзлаб фидойи шифокорларнинг намунали хизматлари элга манзур бўляпти.

И.ИСОМУДДИНОВ

ОВУЛЛАРДА

қишлоқ врачлик пунктлари

вазирлиги томонидан эндоскопия ва бошқа тиббий анжомлар олиш учун 18 миллион сўм маблағ ажратилди.

Нукус шаҳрида 5-оилавий поликлиника ташкил этилди. Кўп йиллардан бери тугалланмай келаётган 2-республика касалхонаси қошида сув билан даволаш бўлими ишга туширилди. Вазирлик тизимидаги муассасаларга 7 та санитар машиналари сотиб олинди. Туманлардаги шошилич тиббий ёрдам бўлимларида 71 миллион сўмлик таъмирлаш юмушлари амалга оширилди. Ижтимоий химояга муҳтоқ фуқаролар тиббий қўриқдан ўтказилди. Ногиронлардан 130 нафарига сунъий кўз гавхарлари қўйилди.

Халқаро жамғарма томонидан 29 миллион 798 минг сўмлик кийим-кечак, минерал сув, витаминли озиқ-овқат ва дори-дармонлар, кир ювиш ҳамда шахсий гигиена воситалари тақдим этилди. 2542 нафар ҳомиладор аёллар аниқ касаллигига қарши эмланди. Шошилич тиббий ёрдам илмий марказига «Рено» русумли реомобил берилди.

Белгиланган дастур асосида 2005-2009 йилларда туғруқхоналар, касалхоналарнинг болалар бўлимлари ва қон қуйиш станцияси Осиё ривожланиш банки маблағлари ҳисобидан 40 миллион АҚШ доллари миқдоридан замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган ДОТС дастури бўйича амалий ишлар қилиняпти. 75 ўринли сил касалликлари шифохонаси ташкил этилиб, Германия тараққиёт банки гранти ҳисобига дори-дармонлар билан таъминланди. «Чегара билмас шифокорлар» халқаро инсонпарварлик

Орамиздаги одамлар

ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАР

Хизмат сафари билан Карманга борганимда, тасодифан тумандаги Навоий номли педагогика коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Ирода Хасанова билан учрашиб қолдим. Унинг чехрасидаги оқилалик эътиборини тортди. Гарчи сарвадек нозик кўрингани билан ўқтамлиги, иродалилиги сибқида зоҳир бўлиб турарди. Шу боисми, сўхбатимиз кўр олди.

Ирода киндик қони томанг Шофирконни асло унутолмайди. Бибисий Ойша момони «Денов қишлоғининг иймони» дейишарди. Онисия Охиста она эса тўқис бир хонадоннинг дилбар бекаси, 8 нафар фарзанднинг мунис онаизори эди. Ижодкор отаси Аҳад Хасан фарзандлари қалбига эзгуликни сингирди. Ирода ана шу муҳитда улғайди. Бувисидан диёнати, онасидан садоқати, отасидан ҳасослигини мерос олди: болалигида уларидан ўтган фараҳбахш оқшомлар сира эсидан чиқмайди. Базмлар назмга улган, шеърхонлик авжига чиқарди. Бундай сарафроз дамлар Ироданинг қалбига ёпирилиб қирар, илхом, ижод қувончига ошно қиларди.

Уша бетакрор йиллар ҳам ортада қолди. Умр оқар дарё экан. Ҳозир унинг билганларидан бирор бор, бирор йўқ. Чекралар, қўзлар қалбнинг хотира кўзгусида муҳрланган. Талабалик йиллари Бухоро педагогика институтида ўтди. Кейин эса Шофиркон туманидаги Навоий номли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс берди. Ризқ-насибаси Кармана туманига сочилиган экан. Педагогика коллежида иш бошлаган кунларидан берида отаси насихат қилди: «Болам, нафсининг қул қил. Таъма-сингликка одатланма, ҳалолқўллик касби-одадинг бўлсин. Чунки Оллоҳнинг берганига қаноат қилиб яшаган кам бўлмайди». Падали бузруквори дуосини олган қиз бу ақдага амал қилиб кам бўлмади. Жамоага сингди. Билимдонлиги, ширинсўханлиги ва одиллигини туфайли ўз ўрнини топди. Пиро-

вардида, гарчи ишни оддий ўқитувчиликдан бошлаган эса-да, коллеж директорининг муовини лавозимига кўтарилди. Меҳнат инсонни шарафлайди, обрў-эътибор беради. Ҳуссали дамларда овутади. Ирода салкам 5 йилдан буён бу вазифада ишлаб келмоқда. Унинг салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти иш жараёнида аққол намойён бўляпти. Саъй-ҳаракати самараси ўлароқ таълим ўчоғида қўлпаб маънавий-маърифий ва ҳуқуқий маърузага тадбирлар ўтказилляпти. Жумладан, «Ватан кўзим қорачўқисан», «Маънавият – тараққиёт мезони», «Жаннат оналар овғи остидадир», «Буюқ аждодларимизнинг маънавий мерослари», «Конституция – бахтимиз қомуси», «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?» каби тадбирлар, мулоқотлар талаба ёшларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, уларнинг юксак савияли қомил инсонлар бўлиб каломга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ирода Хасанованинг меҳнатлари бесамар кетмади. Юк кўтарган юзага чиқади деганларидек, эл-юрт хурматиға, ҳуқуқимиз эътирофига сазовор бўлди. Хусусан, Мустақиллик байрами арафасида «Шухрат» медал билан тақдирланганида ўзида йўқ суюнди. Буни камтарона меҳнатига берилган юксак баҳо деб билди. Эзгу режаларини рўёбга чиқариш иштиёқида янги янги чўққилар сари отланди. Ха, ҳали ҳаммаси олдинда. Зеро, она Ўзбекистоннинг порлоқ эртасини белгилайдиганлар ҳам Ирода сингари фидойи, эли ишига камарбаста инсонлардир.

Ш.ИСКАНДАРОВА



Ўрта Чирчик туманидаги «Тонг» масъулияти чекланган жамиятида 30 нафар қишлоқ хотин-қизлари меҳнат қилмоқда. Айни пайтда қўлигул чеварлар томонидан 15 хилдаги кийим-кечаклар тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Асосан буюртма асосида тўқилаётган бу маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Корхонамидаги ускуналар талаб даражасида бўлгани туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, - дейди жамият етакчиси Сайидомил Тураев. - Энг муҳими сифати ҳам яхшиланиб, йил бошдан буён салкам 1 миллион 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир.

Суратда: тикувчилар Максуда Ғофурова ва Нарғиза Назирова.

Меҳнатқаш манфаатини химоялаш, унинг ишлари ва яшаш учун қулай шарт-шароит яратиш бериш касба уюшма қўмиталарининг бугунги кундаги асосий иш режасига айланган. Республикадаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланган «Кўкноспирт» акциядорлик жамиятида бу борада талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ишловчиларнинг кўнгилдагидек меҳнат қилишлари, ишдан сўнг ҳордиқ чиқаришлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилляпти. Эътиборини, асосан ёшлардан таркиб топган жамоада аҳил-иноқлик қайфияти ҳукмрон. Ана шу омилининг маъжудлиги ҳам меҳнат унвондорлигини орттиришга хизмат қилаётган. Меҳнат масканида замонавий тилда қурилган 150 ўринли ошхона, сауна, саргарошхона, тиббиёт пункти ишловчиларга беиннат хизмат кўрсатиб турибди. Ўртача ойлик маошлар 85 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, ўз вақтида берилляпти.

Ишловчиларнинг ўз меҳнатидан рағбат топиши, қониқиши-

ни таъминлашга ҳаракат қиялғимиз, - дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Жасур Қодиров. - Инсонни самарали меҳнат қилиши учун энг аввало соғлиқ кўраш. Ана шунга муҳим эътибор қаратаётган корхонамида ҳодимларнинг соғлиғидан доимо ҳабардор бўлиб туриш учун малакали

Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ҳодимларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида ўрин берилган. Унга асосан меҳнат таътилига чиққан ҳодимга бир ойлик маш муқдоридан муқофот бериш йўлга қўйилган. Ўтган йилда ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш ва санаторийда

дам олишлари учун ижтимоий сугурта ҳисобидан 23 та йўлнамалар олинди. 20 нафардан ортиқ ҳодим вилоятдаги «Кизилтепа», «Зилон», «Ўзбекистон» сийхатхоналарида даволаш учун юборилди. Бу мақсадлар учун 1168 минг сўм маблағ сарфланиб, харажатлар тўлалиги-га корхона ҳисобидан қопланди.

Ҳар бир байрам меҳнат масканида алоҳида зўр қувонч ва тантана билан нишонланади. Унда ҳар бир ҳодим, меҳнатда илғорлик кўрсатганлар турли хил қиммат-баҳо эсдалик совғалари ва пул муқофотлари билан тақдирланалар. Бундай байрамларда ишчи-

Касаба уюшмалари бугун

ларнинг фарзандлари ҳам четда қолмайди. Янги йил байрамида уларга 1700 дона совғалар тарқатилиб, жами 12 миллион 750 минг сўмлик маблағ сарфланди. Корхонада 30 нафар байналмилалчи

Ишчи-хизматчиларнинг тўй-маъракалари ҳам маъмурият ташаббуси ва кўмағисиз ўтказилмайди. Бундан ташқари, бирор ҳодим соғлигини йўқотиб, касалхонада даволанса, барча харажатлар жамият ҳисобидан қопланади. Корхонада маънавий-маърифий ишлар намунали йўлга қўйилган. Бу ерда турли хил мавзудаги қарийб 3 мингта баддий китоб мавжуд.

Корхонада ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ибратли ҳолда олиб бориляпти. Худуддаги мингдан ортиқ турли хил мевали ва манзарали дарахлар корхона фойзига фойз қўшиб турибди.

О.ЭРГАШЕВ

ЭКСПОРТ ИМКОНΙΑТИ ОШДИ

Фурқат туманидаги «Ишонч» ип йигирув ҳиссадорлик жамияти мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган корхоналар сирасига қиради. Ишлаб чиқариш тармоқларини бошқичма-бошқич

сулотлар асосан хорижга экспорт қилляпти.

Ўтган йили 7,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхона жамоаси бу йил Жанубий Корея, Туркия, Россия ва бошқа хорижий давлатларга 3 миллион 569 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган. Янги дастгоҳлар ишга туширилган, корхонанинг экспорт имконияти беш миллион АҚШ доллариға етказилди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бoш бoшқармаси бу йил ўттиз олти мингта яқин кишини иш билан таъминлашни режалаштирган. Бунга янги қўшма корхоналар ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларини кўпайтириш, кичик корхо-

наларни кенгайтириш орқали эришляпти. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркалари ҳам бу борада муҳим ўрин тутаяди.

Фаргона шаҳрида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда газ аппаратлари ва нефтни қайта ишлаш заводи, «Феркон» қўшма

корхонаси сингари 23 ташкилот талабгорларга 800 та иш ўрни таклиф этди.

Ярмаркада қатнашган ёшлар тавсия қилинаётган иш ўрни, шарт-шароит ва албатта иш ҳақи билан қизиққан, ўзларига маъқул жойни танлашди. Айримлар ўқув курсларига эътилди.

Шу кунги саксондан зиёд киши иш билан таъминланди.

(УЗА)

Ижтимоий химоя МУРАККАБ ШАРОИТДА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН

«Шаҳрисабз қумуш» очик ҳиссадорлик жамиятида айни вақтда 1150 нафар киши меҳнат қиялляпти. Жамоянинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили 144,4 тонна ипак қайта ишланди. 1 миллион 181 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет элга экспорт қилинди. Корхона жамоаси жорий йилда 153 тонна ипак ишлаб чиқариш ҳамда 67,2 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаб меҳнат қилмоқда.

— Бу амалга оширилаётган ютуқларнинг босиси ишчиларга яратилаётган шарт-шароитларни намунали йўлга қўйиш ҳамда уларни ўз вақтида ижтимоий химоялашга алоҳида эътибор берилаётганигидадир. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришда инсон соғлиғи учун зарарли омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, жойларда санитария-гигиена жиҳатдан қониқарли бўлиши учун барча чоралар амалга оширилмоқда, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси А. Назаров. — Ишчилардан 14 нафари имтиёзли равишда соғлиқларини тикляпти. Зарарли иш жой-

ларида ишловчи ишчилар учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган.

Шу йили ишчиларга соғлигини тиклаш учун 228 минг сўм моддий ёрдам берилди. Уларнинг фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш учун 480 минг, янги йил совғалари учун 4 миллион 500 минг, Китоб шаҳар «Меҳрибонлик уйи»га 500 минг сўм сарфланди. Кам даромадли оилаларга 457 минг сўм моддий ёрдам берилди. 150 нафар ишчи-хизматчи дам олиш масканларида бўлишти.

Еш авлоди баркамол, соғлом қилиб вояга етказишда спортнинг алоҳида номаъруза ҳолда волейбол, баскетбол майдонлари мавжуд. Бу ерда доимо спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Миллий кураш бўйича мураббий Салоҳиддин Муродов раҳбарликда самбо, миллий кураш тўракарлари фаолият кўрсатиб, унда 150 нафар йигит-қизлар қатнашишмоқда.

Ушбу клубда тарбияланиб чиққан Шухрат Ражабов Шаҳрисабзда Ўтган Амир Темир хотирасига бағишланган IV Халқаро турнирда «Олтин медал» соғириндори бўлди.

Х.ТУРАЕВ

Нафс бандалари

қарор қилишди. Амалиётда хизмат итлари кўмағиға таянмади. Текширишда Орзи Ориповнинг «хазинаси» фoш этилди. Нафси ҳақалак отган ҳайдовчи опий гийҳовандлик моддасини олиб кетаётганлиги аниқланди.

НОШУКУР

Тергов-суриштирув жараёнида Орзи полвон ўзини турли томонга ташлаб қўрди. Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари чағлғитишга, ўзини қўй оғзидан чўп олманган қилиб кўрсатишга қўп уринди. Аммо ўжар далиллар олди-да ер қизиб қолди. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди ҳолис, адолатли ҳукми эълон қилди. Энди 28 ёшли йигит умрининг бир қисмини панжара орти-

ларда ҳайдовчи қайдасан Чиноз дедя «кўк кашкада» йўлга тушди. Ашулани ванг қўйиб кетаётган Орзи Орипов манзилга бир қадам қолганди. Аммо хизмат бурчини бажа-

раётган йўл патрул хизмати ҳодимлари хўшйўл қилишди. Сирдарё туман «Янгибод» ЙўТХ масканида автомобиль тўхтади.

— Йўл бўлсин, - деган саволга Орзибек: — Чинозга шағал олгани, - деди тугилиб. Аммо сўраг ҳодимлар Ховосдан Чинозга шағал учун келаятган ҳайдовчидаги шубҳали ҳаракатдан хўшёр тортишди. Автомобилни кўздан кеңиришга

ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

— Илмий марказ қишлоқ хўжалиги, минерал хомашё ресурслари, сув ва экология, ёқилғи, энергетика, астрономия, археология, тарихи ва этнография соҳаларида ўзининг алоҳида тузилмаларига эга, - дейди мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг ректори, профессор Муродулла Нормуродов. - Ушбу минтақа учун устувор бўлган мазкур йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларини халқ хўжалиғига татбиқ этиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Жанубий минтақавий илмий маркази ташкил этилди. Марказда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қадимий тарихи, маданияти, миллий қадриятлари, урф-одат ва аъённаларини қайта тиклаш, минтақавий иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш назарда тутилган.

ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

БОЙ БЕРИЛГАН Фойда у қандай ундирилади?

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни тақомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фермер хўжалиқлари фаолиятида муҳим қадам бўлди. Зеро, бугунги кунда шартномавий муносабатларни шакллантириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш катта аҳамиятга эга бўлди.

Агар икки томонлама тузилган шартнома шартлари қайсибир ташкилот ёки мижоз томонидан бажарилмаса, яъни у ёки бу томон зарар кўрсатса, давogar асосий қарз билан бир қаторда пеня, жарима ва маънавий зарарларни ҳам ундириши мумкин. Бундан ташқари у бой берилган фойдани талаб қилишга ҳам тўла ҳақли. Шу ўринда шартнома шартлари бажарилмаган ҳолатлар юзасидан айбдор шахсдан бой берилган фойдани ундириш тартиби ҳақида батафсил тўхташ керак.

Газетхон илтимосига кўра

хўжатларига мувофиқ бўлмаган хўжат (қонун) чиқарилиши натижасида етказилган зарар тарзида ундирилган. Шу ўринда бир мисол. Самарканд вилояти Каттакўрғон туманидаги «Зебо» фермер хўжалигига туман ҳокимининг 1999 йил 9 январда 48-сонли қарорига асосан Улуғбек номи ширкат хўжалиги ҳудудидан 18 гектар ер майдони ажратилиши белгиланган. Туман ер ресурслари ҳодимлари томонидан тузилган далолатномага асосан 18 гектар ер майдони ўлчаб берилган ва хўжалик балансида чиқарилиган. Ер ижара шартномаси ҳам тузилган. Лекин шунга қарамай ширкат хўжалиги раиси ўзбошимчилик билан фермерга тегишли 4 гектар ер майдонини эгаллаб, оила пудрати шартномаси билан бошқа бир шахсга бериб юборган. Фермер хўжалиги раҳбари Э.Қурбонов уч йил давомида тегишли идораларга мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқини талаб қилди. Хара-

жаси бесама қарор кетаётган фермер охири вилоят ақлия бошқармасидан мадад сўраб ариза ёзди. Бу ҳол ақлия бошқармаси ходимлари томонидан ақлия ўрганилиб, фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро судига фермер хўжалигига 4 гектар ер майдонини олиб бериш ҳамда 1 миллион 110 минг сўм бой берилган фойда ва 100 минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритди. Суд даъвогарнинг талабини тўлиқ қаноатлантирди.

Бой берилган фойдани ҳисоблаш тўғрисида тўхташ керак бўлса, вилоятдаги «Сам-Мадал-Тахлил» аудиторлик фирмаси томонидан

мавжуд ер майдонининг ҳосилдорлиги ва уч йил давомида олиниши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эркин нарҳдаги баҳоси ҳисобланб белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорига асосан олиниши қилинган даромаднинг миқдори кредит қилиш лозим бўлган харажатлар ҳисобига олиниб аниқланади. Чунки, ҳомаъи ёки бутловчи буюмларни етказиб бериш натижасида олинимай қолган фойда тарзидаги зарарни қоплаш маҳсулотларни сотиш баҳосидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда етказиб берилмаган ҳомаъи ёки бутловчи лозим бўлган буюмлар қиймати, транспорт тай-

Шокир САИДОВ,
Ақлия вазирлиги шартномавий-хўжалик ишлари назорат қилиш бошқармаси бошлиғи

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз чироқсиз яшашни. Кечқурунлари шам ёқиб, телевизор кўрмай, радио эшитмай ўтиришни тасаввур қила оласизми? Йўқ, албатта. Шу боис кундалик турмушимизнинг ажралмас бўлагига айланган улгурган электр энергиясиз кўчаларимиз нурафшонлиги-ю, ҳаётимиз фаровонлиги, иқтисодийётимиз барқарорлиги ҳақида умуман гапирмасам ҳам бўлади.

Мабодо уйимизда чироқ ўчиб қолса, нурчиларни беэозта қилишимиз аниқ. Лекин нега бундай бўлди, деган саволни ўзимизга бериш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Баъзи кишиларнинг электр энергиясига нисбатан бундай нотўғри қарши, энг ёмони, ҳақини тўламаслик билан бирга ўғринча фойдаланиши республика миқдорида, хусусан, Тошкент вилоятида электр энергияси билан таъминлаш, тўловларни ўз вақтида ундириш ишларини мураккаблаштириб юборди.

Шунга қарамадан, «Тошкент вилоят электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти томонидан ўтган йили кенг кўламли ишлар қилинди. Вилоят бўйича 185 та кичик ва 108 та кўчаларни трансформаторлари тўлиқ таъмирланди. Бундан ташқари, электр симлари ўтган 7 минг 140 километр ҳудуд даракдан тозаланди, 3 минг 320 та синган носоз изолятор янгисига алмаштирилди. Эски ёғоч таянчларнинг 1 минг 62 таси янгиланди.

Аҳоли ўсиши ва қишлоқлар кенгайиши муносабати билан электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ҳам биринчи ортиди. Шунинг учун туманларда умумий қуввати 3 минг 630 КВт бўлган 20 та юксилантирувчи трансформаторлар ишга туширилди. Қисқаси, қилинган ишларни санайман, десак жуда кўп. Ва буларнинг барчаси аҳолига зарарли қадар қўлайлик яратиш мақсадида қилинган. Лекин уларнинг айримлари саъй-ҳаракатларга бепасанд қараётганлиги ачинарли ҳол.

Энерго таъминот корхонаси ҳодимларига қўпол муола қилиш, электр энергияси ҳақини тўламаслик, энг ёмони, хотиржам ўғирлик қилиш ҳолатлари кайтамайлантирилади.

Ўтказилаётган текширишлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятнинг қўлгина туманларида аҳолининг электр энергиясидан фойдаланишида қандайдозарликлар анча. Ангрэн шаҳри, Қибрай, Оққўрғон ва Бўка туманларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Электр тармоқлари корхонаси ҳодимлари бундай ноқонуний ҳолатларни аниқлаш, тармоқдан узишга жисмонан улгурмайтилар. Ўғринча улаб олинган жойни узиб кетишса, ярим соат утар-ўтмас қайтадан улашиб, ўғирликни давом эттираверишади.

Худудимиз жуда катта, дейди Охангарон туман электр энергиясидан фойдаланиш қорғасини бузганлиги учун 2003 йил 2 августда жавобгарликка тортилган ва ундан 14 минг 416 сўм ундирилган. 2004 йилнинг сентябр ойида ҳам қандайдозарлик учун яна далолатнома тузилди, 65 минг 789 сўм жарима белгиланган. Жариманинг 20 минг 789 сўми ханузгача тўланмаган ҳамда электр ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 34 минг 119 сўм қарзи мавжуд. Шунча қарзи бўла туриб, ҳисоблагичдан ташқари ўғринча қўлбола 4 қвти электр иситкичи, 4 та 0,25, 11 та 0,1 қвти ёриткичлар улаб олиб фойдаланмоқда. Истеъмолчига қарашли ҳудудда

Ҳа, Охангаронда ҳам қарздорлик катта. Йил бошида туманда аҳоли бўйича 43 миллион 676 минг сўм қарз мавжуд бўлиб, 1 март ҳолатига 97 миллион 305 минг сўмга етган. Тўри, бу ёз ойларига истеъмол қилинган ҳисобига озади. Лекин у қандайдозарлик қилган бўлмайди дейсиз. Айтиш керакки, Тошкент вилояти бўйича ишчи-хизматчиларнинг олийк иш ҳақидан ўз хошияга кўра фойдаланилган электр энергиясига учун улаб қилиш тартиби жорий этилмоқда. Шу боис корхоналардаги ишчиларнинг электр энергиясидан қарзи учун тўлов миқдори ортмоқда. Лекин тадбиркор раҳбарлар четда қолмапти.

Яна бир гап. Қиш ойларида таъминотда бўладиган узилишлар бўйича аҳолида эътирозлар, шикоятларга ҳам дуч келамиз. Бундай ҳолатларнинг сабабини жамият бosh муҳандиси ўринбосари Шерзод Иноғомов кўйидаги шарҳлайди.

«Совуқ кунларда газ бошимиз пастлиги, иситиш тизимлари яхши ишламаслиги боис аҳолида электр энергиясига эҳтиёж ортади. Ҳамминанг ягона халоскор қўлбола иситиш воситалари бўлиб қолади. Бундай педининг биттиси 10-20 та чироқнинг кучини сўриб турганидан кейин трансформаторлар қўлқамани кўтаролмайди. Ўтган йили ҳам улаб трансформаторлар қўйиб кетди. Тўри, биз қўшимча қувватларни ишга туширдик. Лекин улкан истеъмол олдидан бу ҳам ҳеч нарсани ҳал қилолмапти. Агар тўловлар ўз вақтида амалга оширилиб, таъмирлаш ва янги ускуналар сотиб олиш имкониятимиз вужудга келса, бундай чироқ ўчирилган асабузларлик ва шикоятчиликларга чек қўйилган бўларди.

Ҳамма иш, муаммо охири бориб тўловга таялган. Шундай экан, ўзининг ва оиласининг оубсини ўйлаган ҳар бир истеъмолчи ишни судгача бориб етишини кўтмай, қонунбазарлик ҳолатларига чек қўйишлари, фойдаланилган электр энергияси ҳақларини белгиланган муддатларда тўлаб боришлари мақсадга мувофиқдир. Чунки, электрдан фойдаланиш бўйича барча қандайдозарликларга риоя қилган истеъмолчи ҳеч қачон ҳижолат чеки қолмайди.

Н. ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

ЭНЕРГИЯ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАСАНГИЗ...



кабрда 5 минг 534 сўм пул тўлаганича, ўтган давр мобайнида 1 тийин ҳам тўловни амалга оширмаган. Бугунги кунда қарзи 94 минг 905 сўмга етган. Тадбиркор Абду Усмонов ҳам 2003 йил сентябрда пул тўлаганича, қарзини 166 минг 584 сўмга етказибди. Нигора Мирзаамедова эса 2,2 қвти мармар кесиб дастгоҳини рухсатсиз ишлатиб ётибди. Шу маҳалладаги яна бир истеъмолчи Маважуда Исмоилова эса кўчани ёритиш учун ҳисоблагичдан ташқари сим торган. Баъзи йилларда эҳсон хизматчилари уй эгасини йўқлигини айтиб, эшикни очмайди. Бундай ҳолатни Қибрай тумани Соҳибқор маҳалласи Ором кўчасида кўпроқ учратиш мумкин. Шу кўчадаги электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган бир хонадонини мисол сифатида кўрсатмоқчимиз. Хона-

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий фойдаланиш майдонини кенгайтириш ва таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлисида ана шу вилоятнинг бажарилиши муҳокама этилди.

Бугунги кунда аёлларни иш билан таъминлаш, уларга қўлай шарт-шароитлар яратиш бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарон ижроси юзасидан Қорақалпоғистонда ишлаб чиқилган дастурга кўра жорий йил-

АЁЛЛАР УЧУН ИШ ЎРНИ

да 11 минг 145 нафар аёл учун янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Йилнинг дастлабки чораги якуни бўйича 2 минг 100 нафар аёл янги иш ўринлари билан таъминланди.

Мажлисда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг бориши, хусусан, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш вазифаларининг бажарилиши ҳам атрафлича муҳокама этилди.

Суратда: алоқачилар Неля Фахридино ва Сулув Расулова. Мухаммад КАРИМ олган сурат

Ёш авлод олдидаги масъулият

ЎҚИТУВЧИ МАДАНИЯТИ нималарда намоён бўлади

Мамлакатимизнинг келажакда ҳақон ҳамжамиятида ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши бугун биз, ўқитувчи ва мураббийлар ёш авлодга қандай таълим-тарбия беришимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ишни ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этишимиз учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бу эса биздан эскирган услублардан воз кечиш, шу куннинг руҳига мос вазифаларни белгилаб олиш ва янги тадбирлар режаси асосида иш олиб боришимизни тақозо этмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ҳалқ таълими тизими раҳбар ходимларининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлди. Уч кун давом этган маърузи йиғилишида соҳага алоқадор кизикарли маърузалар тингладик, шўба мажлислари, семинар-тренинг ўтказилди. Илгор тажрибали раҳбар хусусида фикр алмашилди.

Айни пайтда туманимизда 47 та мактаб, битта мактаб-интернат, 28 та мактабгача тарбия муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Режага мувофиқ, бу йил 45-мактабнинг янги биноси қурилиши ниҳоясига етказилди. Қолганлари мукамал таъмирдан чиқарилади. Шунингдек, Ҳалқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан таълим масканлари ягона талаблар асосида безатилади. Яъни, билим даргоҳлари эндиликда бир хилда пардозланган ҳолга келтирилади. Айни вақтда бу йилдаги ишларни ҳам қизғин бошлаб юборганмиз.

Устоз ўқувчига нафақат билими, шу билан бирга ташқи кўриниши ва кийиниши билан ҳам ибрат бўлиши керак. Ҳалқ таълими тизими раҳбар ходимлари кенгашида ҳам бу масала кўтарилган ва наманганлик муаллимлар билан ҳам муҳокама этилган эди. Ўқитувчилар-

КУТУБХОНАГА ЯНГИ КИТОБЛАР

Яқинда Нодира номидаги Наманган вилоят кутубхонаси 9 мингдан ортиқ илмий ва бадиий китоб олди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ажратилган китоблар, ўқув кўланмалари, журналлар ва плакатларнинг умумий қиймати қарийб 5 миллион сўмни ташкил этади.

Янги китоблар нашр сифати ва дизайни билан ажралиб туради. Кутубхона фонди иқтисодий, маркетинг, менежмент бўйича илмий-оммабоп адабиётлар билан тўлдирилди, уларнинг қўлқилини Ўзбекистон тарихи, маънавияти ва маърифат, миллий истиклол гоёси бўйича китоблар ташкил этиди. Лугатлар фонди ҳам анча бойиди.

Айрим кишиларнинг ҳукуматимиз томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатларга амал қилмаслиги оқибатида нақд пул тушуми пасайиб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда. Натижада оз бўлсада айрим жойларда облик маошлар, пенсия ва нафақалар эгаларига кечикиб етиб бормоқда.

Бундай камчиликларга йўл қўймамаслик мақсадида солиқ ходимлари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Масалан, Фаргона вилоят давлат солиқ хизмати ҳодимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Нақд пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширишти. Шунингдек, солиқ қончилигига зид хатти-ҳаракатлар қилган яширин цех эгалари аниқлашиб, тегишли чора кўриляпти.


Ўтган давр мобайнида Фаргона вилоят давлат солиқ хизмати ҳодимлари томонидан 139 та текширув ўтказилиб, аксариятида турли қонунбу-

Қонун барчага баробар

савдо дўкони фаолияти текширилганда, акциз сазори» ҳудудидаги савдо дўконларидан бирида ҳеч қандай ҳужжатсиз, акциз марказис тамаки маҳсулоти сотаётганда қўлга тушди. Шунингдек, Фаргона туманидаги Водил қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро А.Тешабоева ҳам ўз хонадонинда уни маҳсулотини сотган. Тезкор гуруҳ томонидан унинг хонадонини кўздан кечирилганда сифати кафолатланмаган 300 қоп маҳсулотни уни маҳсулоти борлиги аниқланди.

Умуман ўтган давр мобайнида вилоят давлат солиқ хизмати ҳодимлари томонидан 39 та яширин ишлаб чиқариш цехи аниқланди. Жумладан, 3 та спиртли ичимлик, 25 та озиқ-овқат маҳсулотлари, 8 та ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйилди.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири



ХУФЁНА ДАРОМАД фақат ташвиш келтиради

зилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 68 нафар юридик ва жисмоний шахсларга НКМ ёки кватиция билан ишлаш тартибини бузганлиги учун жарима қўлланилди. 76 нафар эса 31 миллион 400 минг сўм нақд пул тушумини яширган ва уни ноқонуний сарф қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг Спирт ва алкоғоли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қунайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга асосан Олтиқриқ туманидаги «Карим ота» хурсий фирмасига қарашли

ФЕРМЕР САХОВАТИ

Арабхона қишлоғида яшовчи Темур Саломов кўп йиллар Навбахор туман жисмоний тарбия ва спорт бўлиминин бошқариб келди. Ёшлигидан спортга ошно йигит «Салом» фермер хўжалигини ташкил этганидан кейин ҳам бу одатини тарк этмади. Спорт билан шугулланди. Қишлоқ болаларини ёнига олиб футбол, волейбол, баскетбол командаларини тузди. Ўзи таълим олган Фирдавсий номидаги мактабда турли спорт тўғаракларини очиб, устозлик қилди. Спорт мусобақаларини ўтказиш учун хомийлик ёрдами кўрсатди.

Куни кеча фермер ўз ҳисобидан 20 нафар мактаб ўқувчисига қарийб 200 минг сўмлик спорт кийим-кечаклари олиб берди. Бундай гамхўрликдан руҳланган спортчи болалар туман ва вилоят миқёсида ўтаётган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Темур Саломов маҳаллада бўладиган турли тадбирларда ҳам фаоллик кўрсатиб, баҳоли қудрат моддий ёрдами аямаяпти.

НУҚС ШАХРИНИНГ П.Сейитов кўчасида қўш қаватли республика ўсмирлар маркази фойдаланишга топширилди. Билони таъмирлашга 30 миллион сўм маблағ сарфланган. 18 миллион сўмлик тиббий жиҳоз ва тренажерлар келтирилди.

НУҚСЛИКЛАРГА АЖОЙИБ СОВГА

Марказни ишга туширишдан мақсад балоғат ёшдаги қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш, касаллик ёки ногиронлик сабабларини аниқлаш, ташқи қўйиш ва даволашдан иборат. Бундан ташқари марказ ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташвиқот-тарғибот қилиб, уларни тиббавандлик, ичкиликбозлик каби зарарли иллатлардан асрайди, ҳарбий хизматга тайёрлашга амалий ёрдам қўрсатади.

Улаб турли иқтисодий олий ва биринчи тоифали ҳақимлар ҳамда ўрта махсус маълумотли ҳодимлар ишлаётган марказ ренген, эндоскоп, УЗИ, ЭКГ каби тиббий ускуналари билан таъминланган. Бу ёрдада физиотерапия ва жисмоний машқлар хонаси фаолият кўрсатяпти.

Елена Пақ, Сайёра Яндова, Зерахон Алланиёзова, Гулжаҳон Қалимбетова каби шифокорлар ёшларнинг соғлигини назоратдан ўтказиш билан бирга маҳалла ва овулларда «Саломатлик – туман бойлиги», «Баркамол авлод – миллият келажиги», «Соғлигинг ўз қўлингизда», «Бўқок касаллигининг олдини олиш», «Тиббавандликдан сақланг!» ўсмир қизлар «Ғиёбат» мавзуларида сўхбат ва мулоқотлар уюштиришади. Бош ҳамшира Гулбахор Собурова, ренген лаборанти Женебой Муротмолов, тиббий ҳодимлардан Олима Полимова, Дариха Абиева-ларнинг хизматидан миқозлар мамнун.

И. ҚАРШИЕВ

